

THE USE AND PROTECTION OF WATER RESOURCES IS A PRESSING ISSUE TODAY

Haitov Hasan Shermatovich

Tashkent State Law University

Independent Researcher, Candidate of Jurisprudence

ANNOTATION

The article discusses the current problems of water resources protection in the country at the stage of new reforms, their legal framework, improvement of legislation in the field of use and protection of water resources.

Keywords: water, water law, water legislation, law, delinquency, law, order, decision, concept, water use, water consumption.

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кун янги ислохотлар босқичида мамлакатимизда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари, уларнинг ҳуқуқий асослари, сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: сув, сув ҳуқуқи, сув қонунчилиги, ҳуқуқ, ҳуқуқбузарлик, қонун, фармон, қарор, концепция, сувдан фойдаланиш, сув исътемомл.

INTRODUCTION

Дунёда глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. БМТнинг маълумотига кўра, дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи жойлашган 80 та мамлакатда тоза ичимлик суви етишмайди. 2025 йилга келиб, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви танқис ҳудудда яшаши мумкин. Бугун дунёда қарийб 7 млрд.дан зиёд аҳолининг

3 млрд.га яқини ифлосланган сувни истеъмол қилмоқда ва бунинг оқибатида уларнинг деярли 2 миллиарди турли касалликка чалинган. 2050 йилларга бориб дунё аҳолисининг 40 фоизи чучук сув етишмаслигидан азият чекиши, 20 фоиз аҳоли эса қарийб чучук сувсиз яшашга тўғри келиши тахмин қилинмоқда.

Жаҳонда сув ресурсларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ инқирозли ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда барқарор ривожланишга эришиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. БМТнинг сув муаммосига бағишлаб ўтказган саммитларида Бутунжаҳон барқарор ривожланишнинг асоси сифатида бешта асосий муаммо - сув ва канализация, энергия, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва биологик хилма-хиллик алоҳида ўрин тутиши эътироф этилмоқда. Бунда сув муаммоси бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг асоси эканлиги туфайли ҳам биринчи ўринда турибди. Шунинг учун дунёда сув бойликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини

ошириш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш ва кодификациялаш, уларнинг ижросини таъминлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида, сув соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларни янги нормалар билан тўлдириш ва таъсирини янада ошириш бўйича илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилишига эҳтиёжни келтириб чиқармоқда.

Глобал иқлим ўзгариши натижасида Марказий Осиёда сўнгги 50-60 йил давомида музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурси 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг умумий тақчиллиги 3 млрд куб метрдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд куб метрни, 2050 йилга бориб эса 15 млрд куб метрни ташкил қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Бугунги кунда Ўзбекистон олдида турган, ҳал қилувчи аҳамиятга эга масалалардан яна бири – сув ресурслари тақчиллиги, ... чўлланиш муаммолари билан боғлиқ. Глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви жаҳон мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик сув таъминоти даражасини пасайтира бошлади. Шу боисдан барча мамлакатларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда”. Шу сабабдан, республикамизда сув бойликларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш ва соҳани янада ривожлантириш бўйича бир қатор Президент фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Концепцияси қабул қилиниб ҳаётга жорий қилиш бўйича кенг кўламли тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш, йирик сув хўжалиги объектларини бошқаришни рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш, электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш; сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда «Smart Water» («Ақлли сув») ва шу каби рақамли технологияларни жорий қилиш; суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш, аҳолини сув билан кафолатли таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларига сувни барқарор етказиб бериш, сувнинг сифатини яхшилаш ва атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш; трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, сув ресурсларини муҳофаза қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқий механизмининг қонуний асосларини такомиллаштириш, чиқиндиларнинг сув бойликларига зарарли таъсирининг олдини олиш тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги (1993) Қонунлари, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси (1995), “Жиноят” кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3286-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги 2910-сонли, 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4040-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Сув қонунчилиги таҳлили шундан далолат берадики, кўпгина мамлакатларда сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар сув ҳуқуқининг мажмуалашган меъёрий ҳужжати ҳисобланган Сув кодекси билан тартибга солинган. Айниқса, бу масалада Белорусь Республикасининг тажрибаси диққатга сазовор бўлиб, ундан Ўзбекистон Республикасида сувдан оқилони фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, ушбу масала юзасидан ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилаётган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда сув муносабатлари соҳасида қонунларни қуйидаги устувор йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

Биринчи йўналиш – барқарор ривожланишга ўтиш, саноатни экологизациялаш ва тадбиркорликни иқтисодий рағбатлантириш чораларини янада такомиллаштириш. Хусусан, ушбу йўналишда сув ресурсларидан ҳақ эвазига фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, босқичма-босқич ва муайян дастур асосида “томчилаб суғоришга ўтиш”, сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасини иқтисодий тартибга солиш чора-тадбирларини кенгайтириш.

Иккинчи йўналиш – сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш. Ушбу йўналишда сувдан фойдаланиш ва унга зарарли таъсир кўрсатганлик учун ҳақ тўлаш ва солиққа тортиш тизимини ривожлантириш, экологик аудит, экологик жамғармалар, экологик суғуртанинг махсус ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш.

Учинчи йўналиш – сувга етказилган зарарнинг олдини олиш ва қоплашга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Ушбу йўналишда ҳуқуқшунос олимлар томонидан сувга етказилган зарарни қоплашнинг мақбул компенсация чораларини жорий этиш; зарар оқибатларини тугатиш; етказилган зарар учун жавобгарлик масалаларини аниқлаштириш зарур.

Тўртинчи йўналиш – қонун ҳужжатларининг бошқа тармоқларини экологизациялаш ҳамда сув ресурсларининг ҳуқуқий муҳофазасини янада кучайтириш. Сув

хуқуқбузарликлари учун маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарлик жазо чораларини кучайтириш, айрим хатти-ҳаракатлар – сув ресурсларига нисбатан ўзбошимчалик билан хатти-ҳаракатлар содир этиш учун маъмурий жавобгарлик чораларини, сув хуқуқбузарликлари учун жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим: минтақа давлатлари 1966 йил Хельсинкида БМТ даражасида имзоланган “Халқаро дарё сувларидан фойдаланиш норматив қоидалари” ва 1992 йил 17 мартдаги “Трансчегаравий сув оқимлари ва кўллардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш” ҳақидаги Халқаро ҳуқуқий актларга қўшилишлари; давлатлар минтақада сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш учун ҳамкорликда янги стратегияни ишлаб чиқишлари, давлатларaro ва халқаро шартномалар мажбуриятларига риоя этмаганлиги учун давлатлар томонидан етказилган зарарни тўла қоплаш механизми яратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Халқ сўзи, 2020 йил 27 июль
2. Наше общее будущее. –М., Прогресс, 1989; Доклад по целям развития тысячелетия Узбекистан 2015. –Т.:Центр экономических исследований, 2015.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: Ўзбекистон, 2021, 162-бет.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2020 й., 06/20/6024/1063-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.